б) объектни кўздан кечириш далолатномаси асосида татбиқ этилиши зарур бўлган хавфсизликни таъминловчи муҳандислик-техник воситалар билан объектни жиҳозлаш юзасидан Буюртмачига тавсиялар бериш;

4.4. Ижрочининг мажбуриятлари:

а) шартномада белгиланган шахсий таркиб сонини ажратиш, объектда нарядларни патруллик йўналишлари жойлашишига мувофиқ жойлаштириш;

б) шартнома ва унинг иловаларига мувофиқ ходимларнинг ўз вазифаларини тўлақонли бажаришларини таъминлаш;

в) объект ҳудудида патрулликни амалга ошириш, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ушлаш чораларини кўриш;

г) объектда ёнғин хавфсизлиги, санитария қоидалари ва нормаларини таъминлашга қаратилган ишларни олиб бориш;

д) фавкулодда ҳолатлар содир бўлганда зудлик билан ҳудудий ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Буюртмачи вакилини хабардор қилиш, шунингдек, махсус бўлинмалар етиб келгунга қадар объектни бирламчи тўсиб олиш ва қўриқлаш бўйича зарур чораларни кўриш, эвакуация, қутқарув ва бошқа тадбирларни амалга ошириш.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Шартнома суммаси Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўланмаганида, Буюртмачи Ижрочига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг миқдори муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.2. Ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

5.3. Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойкани (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## 6. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Шартномани ижро этиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳамда уни бекор қилишда юзага келадиган низолар Буюртмачи ва Ижрочи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## 7. Форс-мажор

7.1. Томонлар шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан сўнг пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари ва уларнинг оқибатлари юзага келганда Ижрочи ва Буюртмачи шартномани давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлигини муҳокама қиладилар ва Томонлар келишилган ечимга келмасалар, ҳар бир Томонга ҳеч қандай талабларсиз шартномани бекор қилиш ҳуқуқи берилади.

ҚҲММБ: 09/19/669/3570-сон
14.08.2019 й.



7.3. Шартномада кўрсатилган вазиятларга кўра ўз мажбуриятини бажара олмайдиган Томон енгиб бўлмайдиган куч юзасидан бошқа Томонни ҳолат бошланган кундан бошлаб беш кун муддатда ёзма равишда хабардор қилади.

## 8. Якунловчи қоидалар

8.1. Шартнома қайд этилган барча камчиликлар Буюртмачи томонидан бартараф этилганлиги тўғрисида кўздан кечириш далолатномаси тузилганидан сўнг кучга киради. Шартноманинг тузилган вақти Томонларнинг имзолаган санасидан белгиланади.

8.2. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёзма шаклда тузилганда ҳамда Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3. Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаш вақтидан камида 30 кун олдин Томонлардан бирортаси уни бекор қилиш ҳақида маълум қилмаган тақдирда, ушбу Шартноманинг амал қилиши худди шу муддат ва шартларда узайтирилган ҳисобланади.

8.4. Ушбу Шартномани бекор қилишдан манфаатдор бўлган Томон бошқа Томонни исталган муддатдан бир ой олдин ёзма равишда хабардор қилади.

8.5. Агар хавфсизликни таъминловчи техника воситалари ишдан чиқиб, таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи ушбу камчиликларни бартараф этишни рад этса, унда Ижрочи етти кун олдин Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантириб, шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

8.6. Шартнома бир хил юридик кучга эга икки нусхада расмийлаштирилади.

8.7. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар ўзаро келишуви бўйича ушбу Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимчалар киритишга ҳақли.

## 9. Томонларнинг манзили ва реквизитлари

| Ижрочи | Буюртмачи |
|---|---|
| ____________________ (тўлик номи) | ____________________ (ташкилот номи) |
| Юридик манзили:____________ | Юридик манзили:____________ |
| ____________________ | ____________________ |
| Банк реквизитлари:__________ | Банк реквизитлари:__________ |
| ____________________ | ____________________ |
| МФО:________________ | МФО:________________ |
| СТИР:________________ | СТИР:________________ |
| XXTUT:_______________ | XXTUT:_______________ |
| ____________________ (лавозими, Ф.И.О.) | ____________________ (лавозими, Ф.И.О.) |
| ____________________ (имзо, мухр) | ____________________ (имзо, муҳр) |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI *
UMUMIY BO'LIM № 3